

А Ж Р И М

(Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини оғирроқ жазога алмаштириш тўғрисида)

2025 йил январь ойининг 17 куни жиноят ишлари бўйича Қўрғонтепа туман суди, ўз идора биносида очик суд мажлисида, туман судининг раиси Н.Парпиевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Н.Тўланованинг котибалигида, прокурор ёрдамчиси А.Турғунов, Қўрғонтепа туман ИИБ Пробаця гуруҳи инспектори Б.Парпиев, маҳкум Н.Исломов ва унинг ҳимоячиси Т.Исмоиловнинг иштирокида, Қўрғонтепа туман ИИБнинг маҳкум Исломов Нуриддин Ортиқали ўғлига нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси 4-қисмига асосан оғирроқ жазога алмаштириш ҳақидаги тақдимномаси ва унга нисбатан тўпланган 1-1709-2402/175-сонли ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Маҳкум Исломов Нуриддин Ортиқали ўғли (Islomov Nuriddin Ortiqali o`g`li), 1990 йил 14 августда Қўрғонтепа туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, 2 нафар фарзандлари бор муқаддам судланмаган, ишламайди, Қўрғонтепа тумани, Хуробод МФЙ, Қурама кўчаси, 321-уйда яшайди.

Қўрғонтепа туман ИИБ томонидан тақдимнома киритилиб, Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2024 йил 07 ноябрдаги ажримига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 62-моддаси тартибида ҳар ойлик иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган 1 йил 6 ой 12 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган, маҳкум Н.Исломовга нисбатан чиқарилган ажрим нусхаси 2024 йил 19 ноябрь куни Қўрғонтепа туман ИИБ Пробаця гуруҳи ҳисобига олинди, маҳкум Н.Исломовга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ тартиб-қоидалари, жазони ўташ даврида қайта жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этмаслиги, яшаш жойидан четга чиқиб кетмаслигини, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини корхона-ташкilotларда ишлаб ўтишлиги тушунтирилиб, ушбу жазони ўташи учун 19.11.2024 йил куни туман Меҳнат бандлик бўлимига йўлланма берилгани, 26.11.2024 йил куни Қўрғонтепа туман “Karasu ECO Tech” МЧЖга, 17.12.2024 йил куни Қўрғонтепа туман “Ишончли посбон текстил” МЧЖга ва 06.01.2025 йил куни Жалақудуқ туман “SPZ-BEARINGS” Росисия-Ўзбекистон қўшма корхонасига йўлланмалар берилиб юборилган бўлсада, назорат остидаги шахс Н.Исломов тақлиф қилинган ишларни рад этган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан қасддан бўйин товлаб келаётганини инобатга олиб, Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2024 йил 07 ноябрдаги



ажримига мувофиқ тайинланган ҳар ойлик иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромадига ушлаган ҳолда 1 йил 6 ой 12 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси 4-қисмига асосан озодликни чеклаш жазосига алмаштиришни кўриб чиқиш сўралган.

Қўрғонтепа туман ИИБ Пробация гуруҳи инспектори Б.Парпиев судда маҳкум Н.Исломовга нисбатан чиқарилган ажрим нусхаси 2024 йил 19 ноябрь куни Қўрғонтепа туман ИИБ Пробация гуруҳи ҳисобига олиниб, маҳкум Н.Исломовга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ тартиб-қоидалари, жазони ўташ даврида қайта жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этмаслиги, яшаш жойидан четга чиқиб кетмаслигини, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини корхона-ташкилотларда ишлаб ўтишлиги тушунтирилиб, ушбу жазони ўташи учун 19.11.2024 йил куни туман Меҳнат бандлик бўлимига йўлланма берилгани, 26.11.2024 йил куни Қўрғонтепа туман “Karasuu ECO Tech” МЧЖга, 17.12.2024 йил куни Қўрғонтепа туман “Ишончли посбон текстил” МЧЖга ва 06.01.2025 йил куни Жалақудуқ туман “SPZ-BEARINGS” Росисия-Ўзбекистон кўшма корхонасига йўлланмалар берилиб юборилган бўлсада, назорат остидаги шахс Н.Исломов таклиф қилинган ишларни рад этган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан қасддан бўйин товлаб келаётганини инобатга олиб, Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2024 йил 07 ноябрдаги ажримига мувофиқ тайинланган ҳар ойлик иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромадига ушлаган ҳолда 1 йил 6 ой 12 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси 4-қисмига асосан озодликни чеклаш жазосига алмаштириб, Қўрғонтепа туман ИИБ томонидан киритилган тақдимномани қаноатлантиришни сўраб кўрсатув берди.

Судда прокурор ёрдамчиси А.Турғунов Қўрғонтепа тумани ИИБ бошлиғи томонидан маҳкум Н.Исломовга нисбатан киритилган тақдимномани қаноатлантиришни сўради.

Н.Исломов ва унинг ҳимоячиси Т.Исмоилов маҳкум Н.Исломовга тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини озодликни чеклаш жазосига алмаштиришни сўрадилар.

Суд, тақдимнома ва унга илова қилинган ҳужжатларни атрофлича кўриб чиқиб, тарафлар фикрини тинглаб, қуйидагиларга асосан Қўрғонтепа туман ИИБнинг тақдимномасини қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси 4-қисмида агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами бўлиб ўттиз кундан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштириши белгиланган. Н.Исломов суд томонидан тайинлаган ахлоқ тузатиш иши жазосини ўташдан қасддан бўйин товлаб келаётганини инобатга олиб, маҳкум Н.Исломовни Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2024 йил 07 ноябрдаги ажримига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 2-қисми билан ҳар ойлик иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 1 йил 6 ой 12 кун



ахлоқ тузатиш ишлари жазосини шу муддатга озодликдан чеклаш жазосига алмаштиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 46-моддаси 4-қисми, ЖПКнинг 423,541,542-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Қўрғонтепа туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Маҳкум Н.Исломовга Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъатининг 2024 йил 07 ноябрдаги ажримига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 2-қисми билан ҳар ойлик иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 1 йил 6 ой 12 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини шу муддатга иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Озодликни чеклаш жазоси Қўрғонтепа тумани, Хуробод МФЙ, Қурама кўчаси, 321-уйда жойлашган яшаш хонадонида ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати маҳкум жазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Маҳкум Н.Исломовга жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ажрим ижроси Қўрғонтепа туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Ажрим ўқиб эшиттирилган пайтдан қонуний кучга киради.

Ажримдан норози томонлар Андижон вилоят суди жиноят судлов хайъатига кассация тартибида хусусий шикоят прокурор протест келитиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

имзо

Н.Парпиев

Ажрим нусхаси аслига тўғри,
туман судининг раиси

Н.Парпиев

